



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 3 июль, № 132 (8755)

Чоршанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ШХТ Саммитида иштирок этади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва «ШХТ плюс» форматидаги учрашувда иштирок этиш учун 3-4 июль кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.

Саммит кун тартибидан ШХТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва ташкилот фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари ўрин олган. Халқаро ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди.

Иигилиш якунида Остона декларацияси ҳамда иқтисодий, хавфсизлик, экология, энергетика, туризм ва бошқа кўплаб йўналишларда шерикликни кенгайтириш бўйича ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон етакчиси хоржий делегациялар раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказилади.

Ў.А.



Ўзбекистон — ШХТ: Халқлар ва давлатлар тинчлиги ҳамда фаровонлиги йўлидаги ҳамкорлик

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 3-4 июль кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)нинг навбатдаги саммитида иштирок этади.

Саммит олдида

ШХТ 2001 йилда тузилган минтақавий халқаро ташкилотдир. Ўзбекистон Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон билан бирга ташкилотнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ШХТга тўққиз давлат аъзо. Бундан ташқари, уч давлат унга кузатувчи сифатида қўшилди, 14 давлат ташкилот билан мулоқот бўйича ҳамкор мақомига эга. Бу ШХТнинг ўтган йиллар давомида нуфузи ва халқаро сиёсатдаги роли ҳозирги мураккаб геосиёсий шароитда мустаҳкамланиб бораётганидан далolat беради.

ШХТ мамлакатлари иқтисодий жиҳатдан ўзаро ишонч-дўстлик бўшқа турларига биргаликда қарши оқилона курашиш ШХТнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади. Аъзо давлатлар, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари асосида турли соҳаларда самарали минтақавий ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

3

ЮКСАК ИШОНЧГА МУНОСИБ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

«ПАРИЖ — 2024» МУСОБАҚАЛАРИДА ҚАТНАШАДИГАН ҲАР БИР СПОРТЧИ ҚАЛБИДА ЖЎШ УРИБ ТУРИБДИ



Пойтахтимиздаги Олимпия ва паралимпия шон-шухрати музейида Франциянинг Париж шаҳрида июль-август ойларида бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева, Осиё Олимпия кенгаши вице-президенти О. Умаров, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси раиси А. Азизов, Ўзбекистон Республикаси спорт вазири А. Икромов, Миллий олимпия қўмитаси бош қотиби О. Қосимов ва бошқа расмийлар қатнашди. Таъкидланганидек, янги Ўзбекистонда кейинги йилларда спортни жадал ривожлантириш, спортчилар учун за-

монавий шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Сўзга чиққанлар жорий ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз берилаётган эътиборга муносиб бўлиб, шохсупаларнинг энг юқорисидан жой олишига, юртимиз байроғини кўларга кўтаришига ҳамда давлатимиз мадҳиясининг баралла янграшига ўз ҳиссасини қўшишига ишонч билдирди. Тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт анжумани — Олимпия ҳамда Паралимпия мусобақаларининг мамлакатимиз номи, нуфузи ва шарафини дунёга танитишда аҳамияти беқиёс. Шу боис мазкур тадбирларга пухта ҳозирлик кўрилиши Президентимизнинг доимий диққат марказида туради.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 5 ноябрдаги «2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ушбу жаҳоншумул мусобақаларга спортчиларимизни тайёрлаш дастури қабул қилинди. Спортчилар учун ҳамма қўлайликни яратиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилди.

3

Ифтихор

ОҚ ЙЎЛ

Чақмоқ каби чақнадингиз, тошдингиз-ку мисли сел, Марди майдон курашдир бу — тушянарсиз боғлаб бел, Дуо билан кузатмоқда сизни бугун катта эл, Зўрлар ичра энг зўр бўлиб, масрур, голиб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз.

Чил берсам, дер ҳар элатнинг эпчил-чаққон, қувлари, Қувват бўлмай сизга Ватан тафти, ҳаво, сувлари, Эй, элимнинг шердай йигит, кийикдай сулувлари, Шохсупага сакраб чиқиб, бахтдан ёниб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз.

Бошингизда ялов бўлсин Ўзбекистон байроғи, Маҳфиямиз мавжларига тўлсин Ернинг ҳар ёғи, Саодатдан мижжангизга томчи ёш қалққан чоғи — Толе, иқбол шарбатига қониб-қониб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз.

Дилбандим дер сизни суйиб олим, ишчи, чўпон ҳам, Тикилгайдир сизга атаб шойи, зарҳал чопон ҳам... Қойил, десин, олқишласин фаранг, оломон, ёпон ҳам, Рақибларнинг дилларига армон солиб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз.

Эй, Сиз — Олимп чўққисига чилвир отган баҳодир, Сунячиқдир ортингизда ҳар қадрдон тоғ, адир, Танангизда мард боболар тоза қони оқадир, Неки ғирром, неки эри бўлса — тоғиб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз.

Олтин, кумуш ҳарфлар ила ёзилгайдир бул сана — Сиз туфайли ҳар бир уйда бўлса тўю тантана. Юртбошининг ишончини, меҳрини оқлаб яна, Қувонтириб бутун халқни ҳам қувониб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз!

Нодир ЖОНУЗОҚ

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Миллий комиссияда

Тадбирда Миллий комиссия ва ҳудудий комиссиялар аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар, ННТ вакиллари иштирок этди. Унда мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, охириги йилларда юртимизда соҳага доир қўнунчилик асосларини мустаҳкамлаш, қўнунчилик базасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, Халқ-

аро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини ратификация қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Пировадиди эса инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муносабатларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди. Муҳими, бу халқаро доирада ҳам эътироф этиб келинмоқда.

Бунга ёрқин мисол сифатида июнь ойида Женева шаҳрида Халқаро меҳнат конференциясининг 112-сессияси доирасида Халқаро меҳнат ташкилотининг Маъмурий кенгаши аъзо-

лигида бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон ХМТ Европа минтақавий гуруҳида 194 та овоз билан биринчи ўринни эгаллаганлигини келтириш мумкин.

Меҳнат муносабатларини халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, норасмий бандликни қисқартириш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, қолаверса, меҳнат соҳасида гендер тенгликни таъминлаш йўналишларидаги ишларни янада кучайтиришни давр тақозо этмоқда.

2

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ БОШҚА СОҲАЛАРДАГИ АЛОҚАЛАРДА ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА



Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Саудия Арабистони Шўро Кенгаши «Саудия — Ўзбекистон» парламентлараро дўстлик қўмитаси раиси Муҳаммад бин Абдулазиз ал-Жарба бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашув

Унда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабат ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда турли соҳаларда, хусусан, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, парламентлараро алоқаларини янада фаоллаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик нафақат икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, балки минтақавий барқарорлик ва ривожланишга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик қўламли кенгайиб бормоқда. М. ал-Жарба Ўзбекистоннинг парламент институтини юқори баҳолаб, икки давлат қўнун чикаруви органлари алоқаларини янада кенгайтиришга ҳисса қўшишга таяёрлигини билдирди. Унинг қайд этишича, парламентлараро алоқалар нафақат сиёсий мулоқотни, балки иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳам ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар БМТ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида изчил ривожланиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди. Учрашувда икки томонлама муносабатларни, хусусан, парламентлараро алоқаларни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи»

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб мажлисга раислик қилувчи қуйи палата Спикери ўринбосари У. Иноятов ўтган ҳафтада мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва ташқи сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаларга тўхталиб ўтди. Жумладан, 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамиятига эътибор қаратилиб, унда Давлат герби мамлакатимиз мустақиллигининг рамзи экани белгилаб қўйилгани алоҳида қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Шунингдек, мажлисда судларда ишларни кўришда қўнунчиликни мустаҳкамлашга, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтиришга, тергов ва суд жараёнида иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда самарали ҳимоя қилишга, космик фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, махсус иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини янада содда-лаштиришга, аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя этишга, коммунал тўловларни суд

орқали ундиришда қўлайликлар яратишга доир қатор қўнун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Прокурор қандай ҳолатда протест келтириши мумкин?

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

2



КАМАЛАК ЖИЛОСИДАН ЯРАЛГАН МЎЪЖИЗА

Дунёда мўъжизалар кўп. Шивалаб ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг осмон ёришиб, кўзни қувнатадиган етти хил рангдаги камалак намоён бўлади. Бу — табиатнинг ўзи моҳир мусаввир эканига ёрқин далил. Хунарманд эса шу камалакнинг жилланувчи рангларидан моҳирлик билан нусха кўчириб, хонатласни кашф этган. Бинобарин, уни ҳақиқий мўъжизага қиёсласак, арзийди. У оддий мато эмас, юмшоқ ипақдан, хунарманд устанинг ақл-заковатидан дунёга келган миллатнинг ифтихоридир.

Этибор берилса, хонатласнинг ҳар бир ранги ҳабдан, вафодан, садоқатдан сўзлаётгандек жилва сочади. Ҳақиқатда шундай, гўё лов-лов ёнғичи хонатлас келинчақ эғнида вафодорлик тимсоли сифатида кўзни қувнатиб турса, қуёв белига боғланган белқарс бўлиб, оила мустақамлигига гувоҳлик беради. Бугун-чи? Бугун асрларга тенгдош хунармандчилик анъаналари бардавони? Бебаҳо атлас ва адрас жиллолари ёшларимиз қалбини нурлантира оляптими?

манд” марказида ёшларга атлас тўқишни ўргатиш билан бирга “Едгорлик” фабрикасида ҳам ишлаб келинган. 60 нафарга яқин хунармандлар бор. 40 га яқин кўл дастгоҳларидан фойдаланилади. Бугунги кунда 10 таси ишлаб турибди.

Миллий либосларимиз хорижнинг замонавий кийим-кечакларига рақобат қила олмаётгани ҳақида айтган фикрларимни эшитиб уста Набижон тутакчи кетди.

— Уста матоларнинг урфдан қола бошлагани бу дунёда глобаллашув авж олиб кет-

Ўзбек дўпписининг шухрати

Ўзбекистон U-23 терма жамоаси футболчилари Қатар яшил майдонларида маҳорат кўрсатиб, пировардида жорий йил Францияда ўтказиладиган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси — олимпиада йўлнамасини қўлга киритди. Бу тарихий натижа фондида яна бир ҳеч эсдан чиқариб бўлмайдиган воқеа рўй берди. Хужумчи Хусайн Норчаев галабаларни бошига ўзбек дўпписини кийиб нишонлади. Дўппимизни бутун дунё кўрди, ҳавас қилди. Миллионлаб ўзбек мухлислари қалбида шу дўппи боис миллий ифтихор хисси уйғонди.

Буни қарангки, Хусайн Норчаев кийган ўша дўппи аукционда 50 миллион сўмга сотилди. Бу маблаг оғир хасталиқдан азият чекаётган болаларни даволаш учун шифохонага ўтказилди. Ва... шу воқеадан сўнг ўзбек болалари учун дўппи кийиш урфга айлана бошлади. Бугун фарзандларимиз бошида ўзбек дўпписини кўриб, дил яйрайди.

Худди шундай, машҳур спортчи қизларимиз халқроқ аренада олтин ёки кумуш медални қабул қилиб олаётганда эғнига хонатлас нимча ёки атлас халат кийиб чиқса, балки бу ҳам урфга айланармиди, деган фикрга борасан киши. Бўлмаса, жорий йилда Тошкентда ва Марғилонда атлас фестивали ҳамда ҳафталиги ўтказилди. Тадбирда атлас кийган қизларимиз иштирок этишди. Лекин хонатлас ва адрас шу тадбир доирасида қолиб кетди. Миллий либосларимизнинг реал ҳаётга, қиз-жувонларимизнинг замонавий модасига айланиши қийин кечмоқда.

— Атлас, адрас, бекасам каби кўзни яшнатадиган, гўзал ранглари, такрорланмас нусхалари билан кишига хуш кайфият улашадиган миллий матоларимизнинг урфдан қилиниши йўл қўйиб бўлмайди, — дейди “Хунарманд” уюшмаси Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзаахмедов. — Мустақиллик йилларида Марғилон адраси, қадимий нусхадаги Бухоро адраси, шойи, бахмал каби матоларни ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. Хонатлас эса бир оз эътибордан қолди. Чунки хонатлас тўқиш жуда сермеҳнат иш. Майда тараф ишлатилиши, вақт кўп сарфланиши боис уни хорижликлар учун нисбатан қимматроқ нархда тайёрлашга ўтилди.

Р. Мирзаахмедов узоқ тарихга эга бу қадимий ва сериоз матони урфга киритиш борасида қилинган ишлар ҳақида фикр юритиб, яна шундай деди:

— 2020 йилда Марғилон қолишига йўл қўйиб бўлмайди, — дейди “Хунарманд” уюшмаси Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзаахмедов. — Мустақиллик йилларида Марғилон адраси, қадимий нусхадаги Бухоро адраси, шойи, бахмал каби матоларни ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. Хонатлас эса бир оз эътибордан қолди. Чунки хонатлас тўқиш жуда сермеҳнат иш. Майда тараф ишлатилиши, вақт кўп сарфланиши боис уни хорижликлар учун нисбатан қимматроқ нархда тайёрлашга ўтилди.

Р. Мирзаахмедов узоқ тарихга эга бу қадимий ва сериоз матони урфга киритиш борасида қилинган ишлар ҳақида фикр юритиб, яна шундай деди:

— 2020 йилда Марғилон қолишига йўл қўйиб бўлмайди, — дейди “Хунарманд” уюшмаси Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзаахмедов. — Мустақиллик йилларида Марғилон адраси, қадимий нусхадаги Бухоро адраси, шойи, бахмал каби матоларни ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. Хонатлас эса бир оз эътибордан қолди. Чунки хонатлас тўқиш жуда сермеҳнат иш. Майда тараф ишлатилиши, вақт кўп сарфланиши боис уни хорижликлар учун нисбатан қимматроқ нархда тайёрлашга ўтилди.

Р. Мирзаахмедов узоқ тарихга эга бу қадимий ва сериоз матони урфга киритиш борасида қилинган ишлар ҳақида фикр юритиб, яна шундай деди:

— 2020 йилда Марғилон қолишига йўл қўйиб бўлмайди, — дейди “Хунарманд” уюшмаси Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзаахмедов. — Мустақиллик йилларида Марғилон адраси, қадимий нусхадаги Бухоро адраси, шойи, бахмал каби матоларни ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. Хонатлас эса бир оз эътибордан қолди. Чунки хонатлас тўқиш жуда сермеҳнат иш. Майда тараф ишлатилиши, вақт кўп сарфланиши боис уни хорижликлар учун нисбатан қимматроқ нархда тайёрлашга ўтилди.

Р. Мирзаахмедов узоқ тарихга эга бу қадимий ва сериоз матони урфга киритиш борасида қилинган ишлар ҳақида фикр юритиб, яна шундай деди:

— 2020 йилда Марғилон қолишига йўл қўйиб бўлмайди, — дейди “Хунарманд” уюшмаси Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзаахмедов. — Мустақиллик йилларида Марғилон адраси, қадимий нусхадаги Бухоро адраси, шойи, бахмал каби матоларни ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. Хонатлас эса бир оз эътибордан қолди. Чунки хонатлас тўқиш жуда сермеҳнат иш. Майда тараф ишлатилиши, вақт кўп сарфланиши боис уни хорижликлар учун нисбатан қимматроқ нархда тайёрлашга ўтилди.

Р. Мирзаахмедов узоқ тарихга эга бу қадимий ва сериоз матони урфга киритиш борасида қилинган ишлар ҳақида фикр юритиб, яна шундай деди:

— 2020 йилда Марғилон қолишига йўл қўйиб бўлмайди, — дейди “Хунарманд” уюшмаси Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзаахмедов. — Мустақиллик йилларида Марғилон адраси, қадимий нусхадаги Бухоро адраси, шойи, бахмал каби матоларни ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. Хонатлас эса бир оз эътибордан қолди. Чунки хонатлас тўқиш жуда сермеҳнат иш. Майда тараф ишлатилиши, вақт кўп сарфланиши боис уни хорижликлар учун нисбатан қимматроқ нархда тайёрлашга ўтилди.

Р. Мирзаахмедов узоқ тарихга эга бу қадимий ва сериоз матони урфга киритиш борасида қилинган ишлар ҳақида фикр юритиб, яна шундай деди:

— 2020 йилда Марғилон қолишига йўл қўйиб бўлмайди, — дейди “Хунарманд” уюшмаси Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзаахмедов. — Мустақиллик йилларида Марғилон адраси, қадимий нусхадаги Бухоро адраси, шойи, бахмал каби матоларни ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. Хонатлас эса бир оз эътибордан қолди. Чунки хонатлас тўқиш жуда сермеҳнат иш. Майда тараф ишлатилиши, вақт кўп сарфланиши боис уни хорижликлар учун нисбатан қимматроқ нархда тайёрлашга ўтилди.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚИСКА САТРАДА

Ўзбекистонлик муҳандис кадрлар Японияда ишга жойлаштирилади

Ўзбекистон элчиси Мухсинхўжа Абдурахмонов Япониянинг “Daito Trust Construction” корпорацияси президенти Кеи Такэучи билан учрашув ўтказди.



Мулоқотда мамлакатимизга хорижий инвестициялар, юқори технологияларни жалб қилиш, чет эл компаниялари билан таълим ва миграция соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Учрашув якунида “Daito Trust Construction” корпорацияси раҳбариятининг мамлакатимизга таълимни ташкил этиш ҳамда 2024 йилдан бошлаб босқичма-босқич ўзбекистонлик 100 га яқин муҳандис кадрларнинг Японияда малакасини ошириш ва ишга қабул қилиш тўғрисида келиши бўлди.

Замонавий тиббий ускуналар тақдим қилинди

Қорақалпоғистон тиббиёт институти қошидаги клиникага Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар топширилди.

Улар халқроқ стандартларга мос тиббий лаборатория ва таълим жиҳозлари ҳисобланади. Қайд этилишича, сўнгги беш йилда институтга 10 млн. доллардан ортиқ инвестиция маблағлари ажратилган. “JICA” томонидан жўнатилган 7,3 млн. долларлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар Оролбўйида аҳоли саломатлигини тиклаш, касалликларни эрта аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Янги боғча фойдаланишга топширилди

Гузур туманидаги Халқобод маҳалласида тadbбиркор томонидан 25 ўринли оилавий мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда туманда 33 та давлат ҳамда 5 та давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Оилавий боғчалар сони эса 212 тага етди. Уларга тумандаги 3 дан 7 ёшгача бўлган жами 20 минг 290 боланинг 13 минг 880 нафари (68,4 фоизи) қамраб олинган.

18 ёшли истеъдодли футболчимиз Сербия чемпионатида ўтди

Сербиянинг “Единство УБ” клуби ўзбекистонлик 18 ёшли Амирбек Саидов билан шартнома имзолаганини эълон қилди. Ушбу клуб ўтган мавсум Сербия биринчи лигасида 30 ўйинда 52 очко жамғарган ҳолда Фарбий минтақада 2-ўрин билан суперлига йўлнамасини қўлга киритган.



Маълумот учун, Амирбек “Бунёдкор” либосида 8 та ўйинда майдонга тушиди ва 1 та гол урган. Шунингдек, 18 ёшгача футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ўзини кўрсата олган ва турли клублар эътиборига тушган эди.

«Халқ сўзи».

Хунармандчилик

Янги куч, янги ҳаракат

Глобаллашув замонида хонатлас, адрас, бекасам ва шойи каби асрлар оша яшаб келаётган қадриятларимиз тимсолига айланган миллий матоларимиз хориж брендлари соҳасида қолиб кетаётгандек, назаримизда. Бугун ота-она келин бўлаётган қизига бозордан Туркияда ишлаб чиқарилган матоларни танлаётгани, Бельгия гиламлари, Италия мебеллари ҳада қилинаётганини қораламоқчи эмасмиз. Орзу-ҳавас қилибдимиз олсин, аммо бу миллатимизнинг фахру гурури, ифтихори, ўзлиги ва қадрияти ҳисобланган миллий либосларимизга соя солмаслиги керак.

Ўтган йили 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши кераклиги ҳақида фикр билдириб, мақом, катта ашула, бахшичилик, атлас ва адрас, кулолчилик ва заргарлик каби анъаналарни давом эттирадиган мактаблар яратилиши муҳимлиги ҳақида айтиб ўтган эди.

Кўқон шаҳридаги Машхураҳон Хайдарова раҳбарлик қилаётган “Хонатлас” модлар уйи ана шундай миллий матолар тарғиботини олиб бораётган марказлардан биридир.

— Халқимизнинг бетақдор қадрият ва анъаналарини ўрганиш, тиклаш ва тарғиб этишни шу муқаддас юрт фарзанди сифатида ўзимнинг бурчим, деб биламан, — дейди М. Хайдарова. — Юртимизнинг адрасу атласлари бутун дунёда машҳур бўлиб, улардан тикилган кийимлар ҳар қандай кишини мафтун қилади. Ипақ матолар орасида энг талабгори адрас ва хонатласдир. Шундай экан, биз чет эл брендларига ҳеч қачон ютқазиб қўймаймиз. Агар ютқазганимизда хонатласнинг қадри тушиб, нархи бозорда арзонлашарди. Аксинча, бугун бозорда атласнинг нархи 10 доллардан қиммат. Агар 8 метр атласдан бир кийимлик қўйлак тикилишини назарда тутадиган бўлсак, бу 1 миллион сўмдан ошади. Чунки атлас соф ипақдан, кўлда тўқилади. Бўёқлари табиий. Шунинг учун ҳам унинг қадри ҳеч қачон тушмайди. Энди аёлларимизнинг бошқа матоларга ружу қўйишига келадиган бўлсак, бу вақтинчалик ҳолат. Эртаминдинми, қизларимиз миллий матоларга қайтишди ва хонатлас ҳамда адрас яна аёлларимиз эғнида кўзларини яшнатади.

— Отам мени етақлаб фабрикага олиб борган эди, — дея эслайди Набижон ака. — Аммо бу хунарга қўлим қовушмади. Бошқа ишга ўтдим. Лекин онамнинг “Даданг шу касб йўқолиб кетмаслигини истеган, шуни сен давом эттиргин”, деган гапларини икки қила олмадим. Отамдан қолган дастгоҳни узоқ йиллар ишлатиб, элдан кўп дуо олдим. Мустақилликдан сўнг ўзим алоҳида хунарманд бўлиб, атлас тўқидим. Маҳсулотларимизга харидор жуда кўп эди. Ҳозир Марғилон шаҳридаги “Хунар-



лас нусхаси босилган чет эл матолари кириб келди. Буни қарангки, арзонлиги учун шу матони аёллар сотиб ола бошлади. Бу машаққатли меҳнати билан бозорга хонатласни чиқараётган тўқувчиларнинг ишдан бир оз қўли совшишга сабаб бўлди. Бугун эса ўша сохта матолар бозорларимиздан чиқиб кетди. Чунки аёллар тушуниб етди, асл мол барибир асл-да!

Этибор қилинг, “хонатлас” моҳиятан силлиқ маъносини билдиради. Чунки у танда ипи ҳам, арқоқ ипи ҳам табиий ипақдан тўқиладиган бир юзлама силлиқ мато. Унинг табиий ипақдан тўқилган энг сараси саккизтеп-килик хонатласдир. Бу атлас тўқиладиган дастгоҳнинг тепкиси 8 тадир. Ўтмишда атласнинг бир кийимлиги яхлит ҳолда ҳам, икки бўлакка бўлиб ҳам сотилган. Иккига бўлинганда бир бўлаги тоқа, иккага тоқа эса бир жўра дейилади...

Уста Олим издошлари

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида Отабекни қайнотаси уйдан ҳайдаб юборганида у марғилонлик атлас тўқувчи уста Олимниқанда тунайдди. Асарда машҳур тўқувчининг кўл дастгоҳини ишлатиб, турфа рангда жилланувчан хонатлас тўқиши моҳирона тасвирланади. Марғилонда бугун ҳам уста Олим издошлари бу касбни давом эттирмоқда. Улардан бири — Набижон Тоштемиров юзлаб марғилонлик ёшларга кўлда атлас тўқиш сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Набижон ақанинг айтишича, бу хунар унга отамерос. Отаси 1930 йилда артелга ишга кирган, кейинроқ у “Атлас” фабрикасига айлантирилган. Орадан анча муддат ўтгач, “Едгорлик” фабрикасига асос солинган.

— Отам мени етақлаб фабрикага олиб борган эди, — дея эслайди Набижон ака. — Аммо бу хунарга қўлим қовушмади. Бошқа ишга ўтдим. Лекин онамнинг “Даданг шу касб йўқолиб кетмаслигини истеган, шуни сен давом эттиргин”, деган гапларини икки қила олмадим. Отамдан қолган дастгоҳни узоқ йиллар ишлатиб, элдан кўп дуо олдим. Мустақилликдан сўнг ўзим алоҳида хунарманд бўлиб, атлас тўқидим. Маҳсулотларимизга харидор жуда кўп эди. Ҳозир Марғилон шаҳридаги “Хунар-

● Биз чет эл компаниялари брендларига ютқазиб қўймаймиз.

● Хусайн Норчаев кийган дўппи аукционда 50 миллион сўмга сотилди.

● Марғилонда бугун ҳам “Ўткан кунлар” романида тасвирланган уста Олим издошлари атлас тўқимокда.

● Бу йил Марғилонда олтинчи марта халқро атлас байрами ўтказилади.

гани билан боғлиқ, — дейди уста. — Яқинда Тошкентдан ва вилоят хокимлигидан вакиллар келиб, қадимий хунарни сақлаб қолишимиз керак дейишди. Таклиф сўраганида, мен уларга “Келасизлар, суратга оласизлар ва кетасизлар, ҳеч нарса ўзгармайди”, дедим. Йўқ, ундай бўлмайди, у ойдан кейин келиб сизга натижалар ҳақида маълумот берамиз дейишди. Мана, анча вақт ўтди, ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Американинг Бостон университети профессори устахонамизга келиб, фаолиятимиз билан танишди. Ипакни ипга айлантиришдан тортиб, уни бўяб, мато тўқишгача бўлган жараёнларни ўрганди. Ушунда америкалик профессор миллийлик йўқолиб бораётганига жуда кундан эди. “Америкада ҳам аёллар эркаклар эғнида футбол болка ва жинси шим, Ўзбекистонга келиб, миллийликни кўраманми дегандим, лекин буларнинг эғнида ҳам жинси шим ва футболка, миллатлар қиёфаси йўқолиб борапти”, деган гапи ҳеч ёдимдан чикмайди. Бу гапни хориждан келган профессор айтипти, биз-чи, нега бу жараёнга томошабин бўлиб турибмиз?

«Wikipedia»да ўзбек тилидаги мақолалар сони 300 мингдан ошди.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 12 561 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олган учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-8788